


ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ

*Абу Мансур  
Мотуридий*



**ПАНДНОМА**



Тошкент  
«Zilol buloq» нашриёти  
2020

УЎК 17  
КБК 87.7  
М 77

**Мотуридий, Абу Мансур.**

Панднома / Абу Мансур Мотуридий / Таржимон ва нашрга тайёрловчи А.Тилавов. – Тошкент: «Zilol buloq» нашриёти, 2020. – 64 б.

*Таржимон ва нашрга тайёрловчи:*

**Абдумурод ТИЛАВОВ,**  
*филология фанлари номзоди*

*Сўз боши муаллифи ва тақризчи:*

**Шоазим МИНОВАРОВ**

*Филология фанлари доктори, профессор*  
**Шухрат СИРОЖИДДИНОВ**нинг  
*умумий таҳрири остида*

Улуғ ватандошимиз Абу Мансур Мотуридий ас-Сарқандийнинг ушбу рисоладини тайёрлашда Туркия Қўлёзма асарлар ташкилоти Сулаймония ёзма асарлар кутубхонасида Ираж Афшар томонидан Фотиҳ кутубхонаси нусхаси асосида тадқиқ этилган ва Эронда «Фарҳанги Эрон Замин» журналининг тўққизинчи жилдида нашр этилган матндан, шунингдек, ушбу матнни туркчага таржима ва тадқиқ этган профессор доктор Сиддиқ Қўрқмаз ва Довуд Ҳожизоданинг тадқиқот, таҳлил, изоҳ ва таржималаридан фойдаланилди.

Улуғ алломанинг Қуръони Карим оятлари ва пайгамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳадисларига асосланган, инсониятнинг бебаҳо ҳаёт тажрибасини ўзида мужассамлаштирган мазкур муборак насиҳатлари ҳар биримизга комил мусулмон бўлиш учун таянч дастур бўла олади.

ISBN 978-9943-6551-5-7

© Ўзбекистондаги Исломи  
цивилизацияси маркази, 2020 й.  
© «Zilol buloq» нашриёти, 2020 й.

## ЭЪТИБОР ВА ЭЪТИРОФГА МУНОСИБ АЛЛОМА

### Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

“Имом ал-ҳуда” (Ҳидоятга элтувчи имом), “Қуватуаҳлас-сунна” (аҳли сунна пешвоси), “Мусаҳҳиху ақойид ул-муслимийн” (мукулмонлар ақидасини ислоҳ этувчи), “Имом ал-мутакаллимийн” (Калом илми эгаларининг имоми), “Рабибу аҳл ас-сунна” (аҳли сунна ва жамоат тарбиясини олган зот) каби унвонларга сазовор бўлган буюк имом, шайх, мотуридия таълимоти асосчиси, ватандошимиз Абу Мансур ал-Мотуридий ас-Самарқандий (ваф. 944 й.) ҳазратлари соғлом эътиқод асосларини кўрсатиб берганлар. “Китобут-тавҳид” асари, шунингдек, мўътазила, хавориж, рофиза, карромий, жаҳмий, мушаббиха ва бошқа адашган фирқаларнинг барчасига раддия тарзда ёзилган “Таъвилоти аҳлис-сунна” номли тафсирилари, кўплаб илмий рисолалари билан маълум ва машҳурдирлар.

Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асарида: *“Шайх Абу Мансур Мотуридий қуддиса сирриҳу ўз замонининг аълами уламосидин (пешқадам олимларидан) эрмиш. Ул вақт уламози аларни “Султон ал-муиззин” (Азизлар султони) дер эрмишлар. Зоҳир ва ботин улуми бирла ораста (безанган)... Шайхнинг қабрлари Самарқанднинг Чокардиза гўристонидадур ва замон подшоҳи ул мозор бошида мутакаллиф масжид ясабдур”,* – дея маълумот беради (Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. 20 ж. 519-б. – Тошкент: Фан, 2001 й. ).

Ўз замонасида кўпчилик илм аҳли Имом Мотуридийга мурожаат қилганлар, мураккаб ма-

салаларнинг ечимини топганлар. У кишидан фикҳ, усулул фикҳ ва бошқа диний илмлардан таълим олганлар.

Республикамизда “Имом Мотуридий ва Мотуридия таълимоти: ўтмиш ва бугун” номли халқаро анжуманнинг ўтказилиши ва жорий йилнинг 14-августида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши бу олимнинг шахсияти, илм-маърифатига бўлган юксак эътибор ва эътироф намунасиدير.

Ўзбекистон Ислом цивилизацияси маркази ҳам буюк ватандошимиз ва олим имом Мотуридийнинг илмий мероси ҳамда хотирасига бағишланган хайрли тадбирларга ҳисса қўшиш мақсадида ушбу рисола ни нашрга тайёрлади.

Ўқувчиларнинг эътиборларига ҳавола қилинаётган Абу Мансур Мотуридийнинг ушбу рисола-сида соғлом эътиқод, тақво, одамлар билан ўзаро муомала, одоб-ахлоқ, комил инсонга хос бошқа фазилатлар борасидаги теран, пурмаъно ҳикматлар ўрин олган.

**Шоазим Миноваров,**  
Ўзбекистондаги Ислом  
цивилизацияси маркази директори.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

### Биринчи боб

Аллоҳ таолони ҳамиша ёдингда тут.

\* \* \*

Ҳамма олади, аммо У беради.

\* \* \*

У берса, ҳеч ким ололмас.

\* \* \*

Уни эсласанг, У ҳам сени паноҳида асрайди.

\* \* \*

Кимки Аллоҳдан узоқлашса, ҳамма ундан узоқлашади.

\* \* \*

Ким Унинг амрига бўйин эгса, ҳамма Унинг амрига итоат қилади.

\* \* \*

Умрингни Унга бандалик учун сарфла, чунки У сарфлаган ана шу нарсанг ҳисобини сўрайди.

\* \* \*

Дунёга қул бўлма, чунки сен Аллоҳнинг душманига қулик қилган бўласан.

\* \* \*

Умр сармоянгни Тавҳидни билишга сарфла.

\* \* \*

Ақл тафаккурнинг тамали-пойдевори-дир.

\* \* \*

Соғлом эътиқод битмас-туганмас сармоя-дир.

\* \* \*

Сабр қилсанг, юксакликка кўтариласан.

\* \* \*

Ҳақнинг ризосини ғанимат бил.

\* \* \*

Илм билан қуроолан.

\* \* \*

Сахийликни афзал бил.

\* \* \*

Қаноат ва жидду жаҳдда мустаҳкам, собит бўл.

\* \* \*

Тақво ила охиратинг учун жой ҳозирлаб  
қўй.

\* \* \*

Тўғрилиқни ўзинг учун шафоатчи қилиб  
ол.

\* \* \*

Бахт-саодатни ибодат ичидан қидир.

\* \* \*

Гапингни худди ҳамма эшитаётгандай  
гапир.

\* \* \*

Намозни, закотни, ҳажни адо эт, бу  
хусусда асло бепарво бўлма.

\* \* \*

Фаришталарга, пайғамбарларга, Аллоҳ  
таолонинг китобига ҳамиша эҳтиром билан  
муносабатда бўл.

\* \* \*

Ўлим лаҳзаси албатта келишини унутма.

\* \* \*

Ҳақ таолонинг ҳар қандай ҳукмига  
ҳамиша рози бўл.

\* \* \*

Охират йўлининг далил-исботларини  
пайғамбарлардан билиб ол.

\* \* \*

Аллоҳ кўрсатган сиротил мустақим (тўғри  
йўл)дан юргин.

\* \* \*

Аллоҳ Каломини ўзинг учун йўлбошчи  
деб билгин.

\* \* \*

Доим яхши инсонлар билан бирга бўлгин.

\* \* \*

Ҳалолни ҳалол, ҳаромни ҳаром деб бил-  
гин.

\* \* \*

Нафс истакларига бўйсунмасликни Ҳаққа  
етишмоқ сабаби деб билгин.

\* \* \*

Ниманидир қўлга киритолмаяпсанми,  
унга беҳуда уринма.

\* \* \*

Қўлингда боридан эҳсон қил.



\* \* \*

Душманга азият етказма. Эпласанг, ўртадаги душманлик, нифоққа барҳам бер.

\* \* \*

Вужудинг истакларини адо этаверма, чунки унинг истакларини бажараверганинг сари у янада кўпроқ нарса истайди.

\* \* \*

Хузур-ҳаловат истасанг, ихлос билан меҳнат қил, ғам-қайғу истасанг, ҳамма нарсага бепарво қараб, дангаса бўл.

\* \* \*

Орзу-тилакларинг хуруж қилиб қийнаса ҳам, нафсинг хоҳиш-истакларига бўйин эгма.

\* \* \*

Бепарво, лоқайд одамлардан узоқ юр.

\* \* \*

Аҳмоқ одамни одам санама.

\* \* \*

Сабрли бўлсанг, мурод-мақсадингга етгайсан.

\* \* \*

Ўзини таниш, ўзини англаш инсон учун  
энг катта сармойани қўлга киритишдир.

\* \* \*

Ҳар ишда бошқаларга кўмаклашадиган  
инсон бўл.

\* \* \*

Балодан узоқ юргин, ўзингни унинг ко-  
мига топшириб қўйма.

\* \* \*

Илмнинг қадрини билгин. Илмни кадр-  
ламайдиганларга яқинлашмагин.

\* \* \*

Кам гапир, кам ухла ва кам егин.

\* \* \*

Бандалик амалларини адо этиш ва то-  
ат-ибодат қилишда ғайратли бўлгин, аммо  
ибодатларингга ишониб, ғурурланмагин.

\* \* \*

Ғуноҳ амалларга қўл уришдан сақлан ва  
ҳар бир ишда Аллоҳ таолони мадакоринг  
деб билгин ва Ундан ҳеч қачон умидингни  
узма.

## Иккинчи боб

Тақвони ўзинг учун энг мустаҳкам, энг зарур, энг қимматли қалқон деб бил.

\* \* \*

Аҳмоқ ва жоҳил эканлигини англамасдан, ўзини «олим» деб билгувчилардан узоқроқ юргин.

\* \* \*

Илминг билан мақтанма. Бу борада ҳа-миша камтар, камсуқум бўлгин.

\* \* \*

Одамлардан ўрган ва одамларга ўргат!

\* \* \*

Эшитмаганингни, билмаганингни гапир-ма.

\* \* \*

Ҳеч кимни беҳуда мақтама ва ҳеч кимни асоссиз айблама.

\* \* \*

Билган ва эшитганларингга диққат қил ва уларнинг маъносини англа.

\* \* \*

Тўғри сўзли бўл, бошқаларнинг айб-нуқ-

сонларини қидириб, овора бўлма (беҳуда вақт кетказма).

\* \* \*

Обдон ўйла, сўнгра сўйла.

\* \* \*

Ҳеч қачон ўзингга ошиқча баҳо бермагин ва ҳамиша ўзингни тергаб юргин.

\* \* \*

Сўрашмаса сўйлама, чақиршмаса борма.

\* \* \*

Бировларнинг жанжали, можаросига аралашма.

\* \* \*

Ҳар бир сўзингни ўйлаб, билиб сўзла.

\* \* \*

Сени писанд қилишмагани учун куйинма.

\* \* \*

Олмаганга сотма.

\* \* \*

Беғуноҳни урмасанг, нафратга дучор бўлмайсан.

\* \* \*

Сенга ёмонлик қилмаганга сен ҳам ёмон-  
лик қилма.

\* \* \*

Кечирсанг, кечириласан.

\* \* \*

Яхшилик қилсанг, албатта, яхшилик  
кўрасан.

\* \* \*

Яхши фазилатларинг билан танил.

\* \* \*

Хатони «тўғри» деб қабул қилма.

\* \* \*

Бошингга тушган ташвиш, кулфат, бало-  
ларни ўз қилғиликларинг натижаси деб бил.

\* \* \*

Бировни ортиқча мақтаб, маддоҳлик  
қилма.

\* \* \*

Гапирмасдан олдин унинг оқибати ҳақи-  
да ўйла.

\* \* \*

Ҳасад олови билан кўнглингни ёқма.

\* \* \*

Кетмаган нарсани кеткизиш учун маж-  
бурлама.

\* \* \*

Ҳақинг бўлмаган нарсани олма.

\* \* \*

Бажармаган ишингни худди бажарган-  
дай қилиб кўрсатма.

\* \* \*

Одамларнинг айбини ёпувчи – пардапўш  
бўл.

\* \* \*

Кўнглингни беҳуда хаёлларга бой бериб  
қўйма.

\* \* \*

Болалардан ҳам ибрат ол.

\* \* \*

Барчага яхшилик қилгувчи ва беозор бўл.

\* \* \*

Қийналганинг, машаққат чекканинг ҳа-  
қида гапириб мақтанма.

\* \* \*

Ейиш ва ичишда меъёрга риоя қил.

\* \* \*

Дилозор бўлма.

\* \* \*

Ташқи кўринишингни эмас, ичинг – қалбингни гўзаллаштиришга урин.

\* \* \*

Тавфиқ Аллоҳдан эканини яхши бил.

\* \* \*

Ҳирсинг қули бўлма ва ғафлат уйқусига берилма.



## Учинчи боб

Мол-дунё ва мансаб-мартаба учун ўзингни хатарга отма. Бунга риоя қилмаганларнинг аянчли аҳволидан ибрат ол.

\* \* \*

Мол-дунёни ўз ўрнида, тежаб-тергаб сарфлашни – исроф қилмасликни иқбол деб бил.

\* \* \*

Одамларнинг нонини ема, аммо нонингдан ҳаммага едир.

\* \* \*

Дарвешлардан жирканиб, улардан ҳазар қилма.

\* \* \*

Ҳақ таоло неъматлари давомли бўлсин десанг, уларни хушнудлик билан қабул қилгин.

\* \* \*

Бергувчи зот фақат Аллоҳ эканини унутма.

\* \* \*

Аллоҳнинг ҳикмати сенинг ва барча барча бандаларнинг билганларидан устун эканини ёдингда тут.



\* \* \*

Билимингга маҳлиё бўлма. Билминг билан мақтаниб, бошқаларга беписанд қарама

\* \* \*

Аллоҳнинг неъматлари тугаб қолади, деб қўрқма. Ундан илтижо қилиб қилиб сўра.

\* \* \*

Аллоҳга шукрингни эзгу амалларинг-ла адо эт.

\* \* \*

Тадбирингни тақдирингга ҳавола қил. Яъни аввал чора-тадбирингни қил, қолганини тақдирингдан бил.

\* \* \*

Мол-дунё ўтқинчилигини, у қўлнинг кири каби бир нарса эканини унутма.

\* \* \*

Ўзингни мақташни ўзингга туҳмат қилиш деб билгин.

\* \* \*

Билгинки, танангдаги жонинг Аллоҳнинг сенга берган омонатидир. Омонатини эса Эгаси, албатта, олади.

\* \* \*

Умрингни қандай ўтказаетганинг ҳақида  
доимо ўйлаб юр.

\* \* \*

Соғлиқни ғанимат бил.

\* \* \*

Ажал ёқангдан тутишини ҳеч қачон  
ёдингдан чиқарма.

\* \* \*

Ўз-ўзингни танқид қилишга одатлан.

\* \* \*

Кўзингни Ҳақнинг ҳақиқатларидан узма.

\* \* \*

Оқибати зарарли нарсанинг атрофида  
айланма.

\* \* \*

Ўрганишдан уялма.

\* \* \*

Ишингни ихлос ва ҳафсала билан шундай  
бекаму кўст бажаргингки, қайта шу ишни  
қилишга мажбур бўлма.

\* \* \*

Катта гапирма. Мақтанма. Кеккайма.

\* \* \*

Иззат-ҳурмат қозониш ва мавқега эришиш йўли илм ўрганишдан, деб бил.

\* \* \*

Дўстликни мол-мулк орттириш учун сотма.

\* \* \*

Нася (қарз)ни ўз молинг деб ҳисоблама.

\* \* \*

Кечириш ва кечирилиш Аллоҳнинг изни билан бўлишини бил.

\* \* \*

Қайсар бўлиш ва қўполлик қилишдан сақлан.

\* \* \*

Хато қилганнинг хатосини, у узр сўрагач, юзига солиб, таъна қилма.

\* \* \*

Афв этишни ҳеч кимдан дариф тутма. Бу масалада ҳамиша кенг феълли бўл.

\* \* \*

Шаҳват асирига айланма.

\* \* \*

Унутма: дангасалик – тўғрилиқнинг заво-  
лидир.

\* \* \*

Сулҳ амалга ошмаса, муроса-мадора қи-  
лишнинг имкони қолмаса, жанг қилиш учун  
тайёр тур.

\* \* \*

Мағлубиятинг, енгилишинг аниқ бўлган  
жангга кирма.

\* \* \*

Мингта дўстинг бўлса ҳам битта душман  
орттирма.

\* \* \*

Душман дўст бўлишига ишонма, унинг  
ширин сўзига алданма.

\* \* \*

Душманингда ҳеч қачон беъэтибор бўл-  
ма. Ҳамиша сергак, хушёр тур.

\* \* \*

Душманинг заифлашган бўлса ҳам, ундан  
ҳамиша эҳтиёт бўл.

\* \* \*

Душманингдан қанча эҳтиёт бўлсанг,  
шунча камдир.

\* \* \*

Ким сендан қўрқса, сен ҳам ундан қўрқ.

\* \* \*

Душманинг учун даражасига лойиқ душ-  
манлик қил.

\* \* \*

Ўзинг ёқтирмаган ва дилингда хуш кел-  
майдиган ишни қилма.

\* \* \*

Дўстларинг билан ўртамиёна дўстлик  
қил. Уларга ортиқча ишонма.

\* \* \*

Душманинг бир кун келиб дўстингга ай-  
ланиши мумкинлигини ҳам унутма.

\* \* \*

Дунё айб-нуқсон ва найранглардан холи  
эмас. Айб-нуқсон, найранглар ортидан қув-  
ма.

\* \* \*

Одамларни ортиқча мақтама, чунки кей-  
инчалик уларни танқид қилишингга тўғри  
келса, ўзинг хижолат бўлиб қоласан.

\* \* \*

Зарар кўрсанг ҳам рост гапир.

\* \* \*

Бераҳмга сен ҳам раҳм қилма.

\* \* \*

Зиқна ва пасткаш кимсадан қарз сўрама.

\* \* \*

Қариндош-уруғларингни қадрла ва улар-  
га ҳамиша ҳурмат-эҳтиром кўрсат.

\* \* \*

Нотаниш ва жоҳил кимсалар билан бирга  
сафарга чиқма.

\* \* \*

Ўзингдаги оз нарса бировлардаги кўп  
нарсадан кўра сен учун қимматли эканини  
бил.

\* \* \*

Ўз эҳтиёжларингни ўзинг қондираётган  
экансан, буни бошқаларга миннат қилма.

\* \* \*

Ожизлигинг ва камчиликларингдан кўз  
юммагин.

\* \* \*

Худобехабар кимсага қимматли нарсаларингни омонат сифатида ишониб қолдирма.

\* \* \*

Олган омонатингни эгасига бекаму кўст қайтаргин.

\* \* \*

Бойлигинг билан фахрланма, мақтанма.

\* \* \*

Ишла, ғайрат қил, ақлли бўл! Шунда сени алдашолмайди.

\* \* \*

Одамларга нарса-буюмларингни омонатдор сифатида бер, қадринг билинсин.

\* \* \*

Ўзингни ва мол-мулкингни сергак туриб, муҳофаза қил.

\* \* \*

Бор нарсани бор ҳолида қабул қил.

\* \* \*

Билгинки, бировларга хусумат қилиш ва таассуб этиш нажосатдир.

## Тўртинчи боб

Тилингни ёмон сўзларни сўзлашдан сақла ва дилинг ёмон сўзларга ўрганиб қолишига йўл қўйма.

\* \* \*

Оқибатда кулгили аҳволга тушиб қолиш нохуш вазиятга тушишнинг айнаи ўзидир.

\* \* \*

Кишиларнинг юзига қараб ўзига айтолмайдиган гапларингни уларнинг ортидан ҳам гапирма.

\* \* \*

Қуруқ гапириб ўтиргандан кўра кўмакка муҳтож кишига ёрдам бермоқ яхшироқдир.

\* \* \*

Беҳуда гап барча офатларнинг бошла-нишидир.

\* \* \*

Миннатдор бўлгин, миннат қилувчи эмас.

\* \* \*

Ношукур бўлиш ва бевафолик қилишдан сақлан.



\* \* \*

Муҳтожларнинг ҳолини таъна қилиб,  
юзига солма.

\* \* \*

Агар бир сабаб билан бировдан миннат-  
дор экансан, ўзингни унинг қули дея бил.

\* \* \*

Ўзингни мусулмонлар назарида шубҳа  
остига қўйма.

\* \* \*

Бировнинг эҳтиёжини қондириш энг эзгу  
ишдир.

\* \* \*

Қилган яхшилигингни мақтаниб айтиб  
юрма. Бу риёдир.

\* \* \*

Дўстларинг билан майин, мулойим муо-  
мала қил.

\* \* \*

Ёмонлик қилишларига йўл қўйма,  
ёмон-ларга ёрдам берма.

\* \* \*

Душманларинг билан ҳамтавоқ, қадрдон бўлган кишининг дўстлигидан қўрқ.

\* \* \*

Ёмонлиги билан ном чиқарган ёхуд қабих сўзларни сўзлувчи сўконғич, ғийбатчи кишилар билан ошно бўлма.

\* \* \*

Тухмат қилиш оддий ҳолат бўлиб қолган жойга борма.

\* \* \*

Бировлар ғамгин бўлган нарсадан сен се-  
винма.



## **Бешинчи боб**

Оила аъзоларинг – аҳли байт ҳақини  
унутма, уларни камситма, таҳқирлама.

\* \* \*

Сотмоқчи бўлган қулингни қўл остингда  
кўп вақт тутиб турма.

\* \* \*

Бировнинг иши сенинг кўмагинг, арала-  
шувингсиз ҳам битадиган бўлса уни «Мен-  
сиз битмайди...», дея қўрқитма.

\* \* \*

Янглишган, алданган ва хато қилган ки-  
шини меъёрга мувофиқ жазолагин.

\* \* \*

Шундай йўл тутки, одамлар сендан ҳами-  
ша умидвор бўлсин.

\* \* \*

Кишиларга яхшилик қилиш учун баҳона,  
сабаб қидир.

\* \* \*

Ўзингга раво кўрмаганни бошқаларга  
ҳам раво кўрма.

\* \* \*

Қаерда бўлсанг ҳам Аллоҳ сен билан бир-  
га эканини унутма, Унинг қудратига шак  
келтирма.

\* \* \*

Ҳар қандай вазиятда сенга ягона дўст ва  
мададкор Аллоҳ эканини унутма.

\* \* \*

Ўзингни хотиржам ҳис қилган пайтда  
эзгу ишларингни бошла.

\* \* \*

Кучли бўлган пайтларингда кек сақлама,  
гина қилма.

\* \* \*

Замоннинг зулми ва душманнинг ҳужу-  
мига қарши чора топишга ҳамиша тайёр  
тургин.

\* \* \*

Энг заиф, майда ҳийлага нисбатан ҳам  
бепарво бўлма, уни ўзинг учун энг кучли ту-  
зоқ деб бил.

\* \* \*

Оҳиста сўралган оз нарсани шошма-шо-  
шарлик билан сўралган кўп нарсдан хайр-  
лироқ деб бил.

\* \* \*

Ношуд кишини ёнингда олиб юрма.

\* \* \*

Яқинларинг орасида сенга жуда меҳри-  
бон бўлган кишиларгагина дилингни оч.

\* \* \*

Бефойда, самарасиз илмдан узоқроқ тур.

\* \* \*

Дард-ғамингни дардингга дармон бўла-  
диган одамларга айт.

\* \* \*

Муҳим ишларга жиддий қара ва ҳеч қа-  
чон ноумид бўлма.

\* \* \*

Ҳеч бир ишда аёлларни эркаклардан  
устун қўйма.

\* \* \*

Одамларга шундай муносабатда бўлки,  
барча хатти-ҳаракатинг сенга ярашсин.

\* \* \*

Шундай нарса эчки, етилганида пушай-  
мон бўлма.

\* \* \*

Сенга берилган неъматларни Аллоҳнинг инъоми деб бил ва Ўзига шукр қил.

\* \* \*

Ҳамма Унинг ҳузурига қайтажагини бил.

\* \* \*

Улуғ неъмат бўлмиш илм ва офият яъни соғлиқ, тинчлик-хотиржамликни Ҳақнинг сенга инъоми деб бил.

\* \* \*

Қариндош-уруғларингни тез-тез кўриб, зиёрат қилиб тур.

\* \* \*

Жаҳли чиқиб турган пайтда сени ран-житган кишини кечиргин.

\* \* \*

Ҳою ҳавас ортидан эргашма.

\* \* \*

Дилингни диний маърифат ила ойдин қил.

\* \* \*

Вужудингни ихлос-муҳаббат ила ибодат қилишга ўргат.

\* \* \*

Агар мол-дунё ва мансаб-мартабага эришсанг, яқинларингни унутиб қўйма.

\* \* \*

Аҳли дунё билан ўтирган чоғингда динингни унутиб қўйма.

\* \* \*

Иззат-ҳурматга эришганинг сабабини адолат ва инсоф билан иш тутганингдан деб бил.

\* \* \*

Мол-давлатингни ўринсиз ва ножойиз жойга сарф қилма.

\* \* \*

Нохуш одатлардан сақлан.

\* \* \*

Куч-қудратли бўлган пайтларда буюк ҳиммат соҳиби бўл.

\* \* \*

Қариндош-уруғларинг танг аҳволга тушганида таҳқирлама, уларга беписанд қарам.

\* \* \*

Оғир, машаққатли кунларда сабр-бардошли бўл.

\* \* \*

Вақтнинг қадрини бил ва уни ҳеч исроф қилма.

\* \* \*

Оз дардни ҳам кўп деб бил.

\* \* \*

Бажарган ишингга кам, оз деб қарама.

\* \* \*

Ҳар неъматнинг заволи, яъни охири бор.  
Ҳар қандай неъмат ҳам тугаб, тамоm бўлади.

\* \* \*

Ҳар қандай қийинчиликдан қутулиш  
учун бир нажот етади, натижасини кут.





## ОЛТИНЧИ БОБ

Пасткаш ва ношуд кимса билан бирга ўтирма.

\* \* \*

Ғаммоз, яъни мунофиқ, тухматчи ким-сadan вафо кутма.

\* \* \*

Маломатга қолишидан қўрқмаган ким-сadan қоч.

\* \* \*

Болаларнинг ақлига ишониб қолма.

\* \* \*

Аёлларнинг барқарорлиги, яъни фикри ўзгармаслигига ишонма.

\* \* \*

Кекса кампирни овораю сарсон қилма.

\* \* \*

Яхшилик қадрини билмайдиганга яхши-лик қилма.

\* \* \*

Маст кимсага насиҳат қилма.

\* \* \*

Ўз аҳволини, бошқалар қадрини билмай-диган нодонга насиҳат қилиб, вақтингни зое этма.

\* \* \*

Бир ишда уқувсиз кимсага, оз бўлса-да, ўша ишни берма.

\* \* \*

Эҳтиёжингни Ҳақдан деб бил ва Ундан илтижо қилиб сўра.

\* \* \*

Дўстларингга ўз камчилик, нуқсонларингни билдириб қўй.

\* \* \*

Яхши дўстнинг етказган жафоси ва у қилган хатосидан кўз юм.

\* \* \*

Дўстингни вақти-вақти билан йўқлаб тур.

\* \* \*

Сени ҳеч қачон ёмонлик билан эшлашмасин. Шундай яшагинки, сени фақат яхшилик ила ёд этишсин.

\* \* \*

Сирларингни дўстларингдан ҳам, душманларингдан ҳам пинҳон тут.

\* \* \*

Сирдошларингни жаҳли чиқиб турган чоғларида сина.

\* \* \*

Улуғлар ёнига кирганингда кўзингни пастга қарат.

\* \* \*

Кишиларни олди-сотди қилиб синаб кўр, сўнгра улар билан дўстлаш.

\* \* \*

Ўз ҳолингга муносиб дўст ва ҳамдам топ.

\* \* \*

Аҳмоқ дўстга ишонма. Шунда сувга чўкиб ҳалок бўлмайсан.

\* \* \*

Кўрқув ўлимдан аччиқроқдир.

\* \* \*

Хотиржамлик ва тан соғлиги сен учун бебаҳо неъматдир.

\* \* \*

Одамлар сени яхшилик билан эслаши  
яшашдан қадрлироқдир.

\* \* \*

Одамларнинг ташқи кўринишига алда-  
ниб қолма.

\* \* \*

Ўзинг қила оладиган ишларни бировга  
буюрма, қўлингдан келса, ўзинг бошқаларга  
ёрдам бер.

\* \* \*

Ҳар кимга бўлар-бўлмасга ваъда берсанг,  
юзинг шувут бўлиб қолади.



## **Еттинчи боб**

Одамларни мамнун қилиб, хушвақт ҳаёт кечир.

\* \* \*

Саховатпеша бўлмоқ учун аввало рост гапир.

\* \* \*

Сафарда юрганингда ўз юртингдагидан кўра хушфеъл бўл.

\* \* \*

Соғ-саломат чоғингда дин тартиб-қоидаларига кўпроқ амал қил.

\* \* \*

Вужудингни орзу-ҳавасларинг уммонига чўктирма.

\* \* \*

Касалликнинг қадри ва ҳикматиани англамаган кишининг ҳолига ачинаман.

\* \* \*

Буюк ишларнинг содир бўлиши фақат сенинг саъй-ҳаракатингга боғлиқ эмас.

\* \* \*

Бахилдан саховат кутма.

\* \* \*

Тўғри йўл илм соҳиби бўлмоқдир.

\* \* \*

Дўст орттиришнинг энг осон йўли кам гапирмоқ ва бировларга озор етказмасликдир.

\* \* \*

Ёшлик йилларини беҳуда ўтказма.

\* \* \*

Душмандан ҳамиша огоҳ бўл.

\* \* \*

Пасткаш, разил кимсаларни инсон ўрнида кўрма.

\* \* \*

Жанг майдонида яқинларингни ёлғиз қолдирма.

\* \* \*

Такаббур кимсага қилғилигига яраша муносабатда бўл.

\* \* \*

Ҳеч кимга беписанд қарама, ҳақорат қилма.

\* \* \*

Беобрўй бўлмайин десанг, сирларингни  
ҳеч кимга айтма.

\* \* \*

Аҳмоқ ва бадбин кимсаларга таом берма.

\* \* \*

Меҳмонга миннат қилма.

\* \* \*

Пасткаш қариндошнинг уйини олма.

\* \* \*

Зиқналигинг ва бузғунчи феълларингни  
айтиб, мақтанма.

\* \* \*

Ўзингдан беҳабар бўлма. Ўзингни доим  
тафтиш қил.

\* \* \*

Жавобига чидолмайдиганинг ва узри қа-  
бул бўлмайдиган гапни гапирма.

\* \* \*

Тажрибангдан фойдалан ва ундан кучин-  
гга куч қўш.

\* \* \*

Икки жаҳон саодатини олимлар суҳбатидан топасан.

\* \* \*

Гўзал ахлоқинг билан одамларга намуна бўл.

\* \* \*

Пайғамбарларни ҳозир ҳам яшаётган инсонлар каби кўр.

\* \* \*

Хаёт лаззатини яхши кишилар суҳбатида деб бил.

\* \* \*

Ўлим абадий айрилиқ эканлигини бил.

\* \* \*

Жаҳаннамнинг азобини ўзингнинг жохиллигингдан деб бил.

\* \* \*

Ишларингни адо этишда Аллоҳдан бошқага суйанма.

\* \* \*

Ўзинг билан Аллоҳ ўртасидаги муносабат



тўғри бўлса, одамлар билан орангдаги муносабат рисоладагидек кечади.

\* \* \*

Умидингни ҳеч қачон сўндирма.

\* \* \*

Худобехабар ва ўз ҳолидан беҳабар кимсалардан узоқ юрсанг, Аллоҳнинг раҳматига эришасан.

\* \* \*

Келган жойингдан қочма. Чунки хоҳласанг ҳам, хоҳламасанг ҳам яна ўша жойга қайтасан.

\* \* \*

Ишларингни ҳамиша бамаслаҳат қил.

\* \* \*

Нафсингнинг беҳуда истак-хоҳишларига итоат қилма.

\* \* \*

Бўлмағур ишлар учун куч-қувватингни сарфлама.

\* \* \*

Зоҳидлик (тақво, парҳезкорлик) эсон-омонлик гаровидир.

## Саккизинчи боб

Ўтиб кетганга, синганга ва тўкилганга оҳ-  
воҳ ва афсус қилма.

\* \* \*

Огоҳлик бир ишнинг оқибатини идрок  
этишдир.

\* \* \*

Умрингни ўткинчи ҳою ҳаваслар ортидан  
югуриб, беҳуда ўтказма.

\* \* \*

Зарарли ишни ўз вақтида тарк этишни  
фойда деб бил.

\* \* \*

Қўл билан ёрдам бериш мумкин бўлган  
жойда насиҳат қилиб ўтириш жоҳилликдир.

\* \* \*

Ҳамма билан ошно бўл, одамлар билан  
аҳил яша.

\* \* \*

Бемаъни гаплар ва беҳуда сўзлар гапири-  
лаётган жойда ўтирма.

\* \* \*

Ўғирланган молдан улуш олма.

\* \* \*

Қурумсоқ киши билан дўст бўлма.

\* \* \*

Гуноҳ иш қилувчи танишларингдан узоқ-роқ юр.

\* \* \*

Номаъқул ишларга қўл урма.

\* \* \*

Номардга ошно бўлиб, ўзингни азобга қўйма.

\* \* \*

Яхшилик қадрини билмайдиган кимса билан суҳбатлашма.

\* \* \*

Мазмунсиз ўтказилган ҳаётни ўлим деб бил.

\* \* \*

Сўз самодан ҳам улуғвордир.

\* \* \*

Беҳуда ва ноўрин сўзлаш энг катта гуноҳдир.

\* \* \*

Инкор барча ҳийлаларнинг асосидир.

\* \* \*

Олаётган илминг фойдасиз бўлса, уни илм деб ҳисоблама.

\* \* \*

Аллоҳдан ўзга ҳеч ким ҳақиқий муаллим, мураббий эмас.

\* \* \*

Аллоҳни билмаганни Аллоҳдан билгин.

\* \* \*

Шариатни ҳаётингга доимий дастур қилиб татбиқ эт.

\* \* \*

Тариқатни кўнглингга жойла.

\* \* \*

Ҳақиқатни ўзингдан изла.

\* \* \*

Катталарнинг салобати, ҳайбатига дарров алданиб қолма.

\* \* \*

Одамларнинг қўлларидаги нарсага кўз  
тикма.

\* \* \*

Бошқаларнинг мол-дунёсига ҳасад қил-  
ма.

\* \* \*

Бошқалар сендан бежавотир бўлсин.

\* \* \*

Таъмагир (тиланчи)ни урушга юборма.

\* \* \*

Кўп нарсани хоҳлаш, талаб қилиш  
шон-шараф, яхшилик аломати эмас.

\* \* \*

Султондан қўрқ. Амалдорларнинг озгина  
илтифотини ҳам кўп деб бил.

\* \* \*

Раҳбарлар билан тортишма, чунки охир-  
оқибатда мағлуб сен бўласан.

\* \* \*

Бошингга тушган ташвиш туфайли ру-  
ҳингни туширма.

\* \* \*

Кексаларни эъозлаш оқиллик белгисидир, бу – муболаға эмас.

\* \* \*

Чақирилмаган жойга борма.

\* \* \*

Тўма (таом)ни лаззатланиб тайёрла.

\* \* \*

Яхши (солиҳ) кишиларни ҳаётлик чоғида зиёрат қил, вафот этганида жанозасида қатнаш.

\* \* \*

Яхши муносабатда бўлган нарсанг ёки кишинг ҳақида ёмон гапирма.

\* \* \*

Дўстингдан ҳам, душманингдан ҳам насихатингни дариг тутма.

\* \* \*

Ёмон одатни одамларга бошлаб берма. Акс ҳолда, қиёматга қадар одамларнинг қарғишига қоласан.

\* \* \*

Қулоғингни ёмон сўздан асрагин.

\* \* \*

Ёши катталарнинг ҳурматини жойига қўй.

\* \* \*

Илм қанча узоқда бўлса ҳам бориб, уни ўрган.

\* \* \*

Шуни билки, асл нажот тилни тийишда-дир.

\* \* \*

Ҳар кимнинг сўзига ишонаверма.

\* \* \*

Яхши сўзни ҳар кимдан ўрган.

\* \* \*

Дунё мол-давлати учун охиратингни сот-ма.

\* \* \*

Бошқалар қандай бўлишини хоҳласанг, ўзинг ҳам шундай бўлишга интил.

\* \* \*

Дорини –даво бўлсин, деб ич.

\* \* \*

Ҳасадгўй дўстингдан йироқроқ бўл.

\* \* \*

Ҳар бир кишига ўз ишини қилишни айт.

## Тўққизинчи боб

Камчилигингни гуноҳинг деб бил.

\* \* \*

Одамларга беғараз, ишончли киши бўл.

\* \* \*

Барқарорликни одат қилиб ол.

\* \* \*

Дунёда бирор ишни уддалайдиган бўл.

\* \* \*

Салтанат Аллоҳдан кўрқадиган вазир билан барқарор, мустаҳкамдир.

\* \* \*

Душманинг билан эҳтиёт бўлиб гаплаш.

\* \* \*

Мол-давлатни одамлар манфаати йўлига сарф қил.

\* \* \*

Мақсадга эришмоқ учун сабрдан бошқа таянч йўқ.

\* \* \*

Гап уқмаган лашкарни лашкар деб ҳисоблама.



\* \* \*

Итоатсиз (саркаш) раиятни раият ҳисоб-  
лама.

\* \* \*

Қуролсиз жасур жангчини нодон деб бил.

\* \* \*

Мўл-кўл мулкни истасанг, халққа эҳсон  
қил.

\* \* \*

Фароғатли ва барқарор давлат истасанг  
Аллоҳ розилиги ва халқ хушнудлигига эри-  
шишни асосий мақсадинг деб бил.

\* \* \*

Эзгу ишлар қилиш оқил одамлар учун од-  
дий ҳолдир.

\* \* \*

Майда иш улуғ инсон учун катта ишдир.

\* \* \*

Яхшиликни номуносиб жойга зое қилма.

\* \* \*

Фисқу фасодни душманнинг муҳим иши  
деб бил.

\* \* \*

Гердайиш, кеккайишни эшаклик ва тен-  
таклик деб ҳисобла.

\* \* \*

Аксабият ишлар фақат сабр-тоқат қилиш  
орқали ҳал бўлишини ёдингда тут.

\* \* \*

Ҳасад, бахиллик ва қўполликни мол-  
мулк, мансаб-мартаба ва жоннинг заволи,  
кушандаси деб бил.

\* \* \*

Ғофил қолган амирни ўз амиринг деб  
билма.

\* \* \*

Ишламас, текинтомоқликни ҳеч қачон  
орзу қилма.

\* \* \*

Бутун дунёни забт этмоқчи бўлган сул-  
тон ҳам, маишатпарастлиги билан танилган  
султон ҳам эл-юрт учун бехосдан пайдо бўл-  
ган балодир.

\* \* \*

Оқил кишилар билан ҳамсуҳбат бўл.

\* \* \*

Бу дунёда яхши улфат топ ва бу борада  
ғоят эътиборли бўл.

\* \* \*

Олимнинг энг яхши фазилати сахийлиги  
ва адолатпарварлигидир.

\* \* \*

Яхшиликни аслзода ва очиқчеҳра киши-  
дан кут, чунки у хато қилмайди.

\* \* \*

Дилингни пок тут, токи мурудингга ет-  
гайсан.

\* \* \*

Имомликка (раҳбарликка) бузғунчи ва  
нолойиқ кимсани эмас, лойиқ кишини тан-  
ла.

\* \* \*

Лоқайд, бепарво амирни яхши раҳбар са-  
нама.

\* \* \*

Ўзингни мақтама. Бировлар сени мақта-  
са, ҳаволаниб кетма.

\* \* \*

Нифоқ, адоват илмсизлик, нодонлик бел-  
гисидир.

\* \* \*

Фалокат рўй бериши аниқ, муқаррар-  
лигини билсанг, оқилларнинг тадбири,  
панд-насиҳатига эргаш.

\* \* \*

Тадбир тақдирга тўсиқ бўлмаслигини  
бил.

\* \* \*

Айбни аввало ўзингдан излагин.

\* \* \*

Таъмагирлик, тиланчилик қилиб, ўзин-  
гни хор қилма.

\* \* \*

Машаққат тортиб меҳнат, қилсанг роҳат  
кўрасан.

\* \* \*

Хузур-ҳаловат қилиб яшаш ва саодатли  
турмуш боиси меҳнатдадир.

\* \* \*

Бир ишни уддалашни ўзинг учун бахт ка-  
лити деб бил.

## Ўнинчи боб

Хунарни тинимсиз саъй-ҳаракат билан эгалласанг, одамлар унинг қадрини билади.

\* \* \*

Балони садақа бериш билан даф эт.

\* \* \*

Одамларнинг ҳурмат-эътиборини мол-мулкингдан қадрли деб бил.

\* \* \*

Мол-мулкни ҳурмат-эътиборга тобе деб бил.

\* \* \*

Билки, такаббур кимса мисоли иблисдир.

\* \* \*

Билки, кишиларнинг ҳақиға беътибор киши ҳайвондан ҳам бадтардир.

\* \* \*

Доно дўстнинг насиҳатларига жону дилинг билан қулоқ сол ва қабул қил.

\* \* \*

Ўтган замондан ибрат ол.

\* \* \*

Душманинг билан ҳам маслаҳат қил,  
аммо унинг барча айтганини қилма.

\* \* \*

Жаҳлинг чиқишидан ўзингни тий.

\* \* \*

Душманинг айтган аччиқ сўзлари туфай-  
ли ўрнингни тарк этма. Унинг хушмуомала-  
сидан ҳам юз ўгирма.

\* \* \*

Рақибингнинг орқасига яширинма.

\* \* \*

Жанг чоғида жарангдор овозли бўл.

\* \* \*

Ўзингни одамларга ўта ишончли қилиб  
кўрсатмаки, ҳамма сенга ишониб қолмасин.

\* \* \*

Нек, яъни ширин, яхши, чиройли сўзни  
азиз бил.

\* \* \*

Дангасалик, лоқайдлик, бепарқликни  
инсон учун офат деб бил.

\* \* \*

Шарманда бўлишни хоҳламасанг, бировларни айблама ва қайсар бўлма.

\* \* \*

Барча сенга душман бўлишини хоҳласанг, такаббур бўл.

\* \* \*

Аллоҳнинг берган неъматларини барчага билдир, ўзингнинг яхши ва ёмон феълларингни эса пинҳон тут.

\* \* \*

Бадкўз, яъни ёмоннинг кўзи тегишидан кўрқ.

\* \* \*

Аллоҳнинг қудрати (ҳайбати) олдида тавозе ила бўйин эг.

\* \* \*

Иложсиз қолган вақтларингни Аллоҳга сиғиниб, таваккал қилиш билан ўтказ.

\* \* \*

Диннинг моҳиятини илм ўрганиш орқали англайсан.

\* \* \*

Кўнглинг равшанлашишини истасанг,  
ўзингни тафтиш қилиш, яъни нафсингни  
тарбиялаш билан машғул бўл.

\* \* \*

Одамлар сенга дўст бўлишини истасанг,  
мол-дунёни (мол-дунё муҳаббатини) ўзин-  
гга душман бил.

\* \* \*

Бахтиёр бўлишни истасанг, бошқаларга  
ёмонлик қилма.

\* \* \*

Хурмат-иззат истасанг, бошқаларни ма-  
зах қилма.

\* \* \*

Буюк бўлмоқ истасанг, парҳезкор бўлгин-  
да, майда-чуйда нарсалардан узоқлаш.

\* \* \*

Жанжал истасанг, гина қилиб, ғаразгўй  
бўл.

\* \* \*

Танишишнинг калити савол сўрашдир.



\* \* \*

Совға беришни мушкул вазиятга туш-  
масдан аввал ўйла.

\* \* \*

Дуони қалқондан-да таъсирли восита деб  
бил.

\* \* \*

Умидворлик битмас-туганмас сармоя-  
дир.

\* \* \*

Шундай яшагинки, ўлгач ҳам барҳаёт бў-  
либ қол.

\* \* \*

Ҳақдан бошқасини ботил деб бил.

\* \* \*

Ҳақдан келган бало сен учун имтиҳон-  
дир. Бунга норози бўлишинг хатодир.



## АБУ МАНСУР МУНОЖОТИ

Илоҳо, менга заррача адолатсизлик қилмадинг,

Сенда заррача ҳақим қолмади.

Илоҳо, Сен ғойиб эдинг, мен эса

айб ва нуқсонлар ичра эдим.

Сен ғойибликдан зоҳир бўлгач,

мен айб ва нуқсонлардан халос бўлдим.

Илоҳо, Сени билмоқ, танимоқ истадим.

\* \* \*

(Эй мўмин, билки)

Чин дўст яхши ишдан яхшироқдир.

Чунки чин дўст сени айб-нуқсондан халос этар,

Яхши иш эса худбинликка элтгай.

Ё Раб, агар дўстинг бўлсам,

Тўсиқларни йўлимдан даф эт.

Агар меҳмонинг эсам, мени

ўзингга лойиқ меҳмонинг айла.

Илоҳо, агар дуони буюрган бўлсанг,

Қалам дардга дармон бўлсин (дуоларимни қабул айла).

(Эй мўмин, билки, излаган топади).

\* \* \*

Тотли тилда айтилганларда захар бўлиши мумкин, дейишади.

Бинобарин, эй инсон, сен сукут шарбатини ич (эшитганинг ҳар бир гапингга ишонма ва гап тарқатма).

Оғзига келган ҳар нарсани сўзлаш инсон учун зиёндыр.

Маърифатдан мақсад ўз ҳадди-даражасини билмоқдыр.

Ҳақиқатдан мақсад (шу ергача айтганларимдыр).

Илоҳо, ҳозир нозирсанки, Сени нега қидирайин ва нима ҳам дейин?

\* \* \*

(Эй мўмин, билки) нафс бамисоли бутдыр.

Уни қабул этмоқ зуннор тақмоқдыр.

Ҳақиқатни бир дафъада мухтасар (қисқа қилиб) сўзладим.

Ё аслинг каби кўрин,

Ё кўринганинг каби бўл.

\* \* \*

Илоҳо, бизга кўрсатган адолатинг Сенинг хужжатингдыр.

Аввало Сен бизга «Қилманг!» дея амр этдинг ва амрингда собит айладинг.

«Адо этинг!» дея буюрдинг ва амрингда собит қолдинг.

\* \* \*

(Эй мўмин киши) агар тариқат истасанг,  
Аллоҳга тоат қил.

Агар ҳақиқат истасанг гуноҳ амаллардан  
тийил.

(Илоҳо) шу дўстинг бўлмиш кишиларга  
берган неъматларинг беҳад улуғ лутф-марҳа-  
матдир.

Ким ўзини таниса, Сени танийди.

Ва Сени таниган ўзидан воз кечади.

\* \* \*

Билки, тавҳид Уни (Аллоҳни) ягона деб  
билмоқдир<sup>1</sup>.

Аллоҳ энг тўғрисиани билгувчидир.

---

<sup>1</sup> Фотиҳ нухаси: «Қутбу-л-машойих» Абу Мансур ал-Мотуридий ас-Самарқандий раҳматуллоҳи алайҳнинг йигирма иккинчи бобдан иборат рисоласи битди.

Иреж Афшар Ҳусайн Чалабий нухасининг охирида жой олган рисола илова қилган. Рисола сўнгидаги «Муножоти Абу Мансур» сарлавҳали 16 сатрлик қисми Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг муножоти ёхуд бошқа рисоаларидан қилинган нақллардан ташкил топмоқда. Биз «Муножот» бўлимида таржима қилганимиз матн шу қисмдир.

## МАНБАЛАР

1. Чекер Хузайфа. Ҳанафий мазҳабида биография анъанаси (Нашр этилмаган докторлик диссертацияси). NEUSBE, Коня – 2016.

2. Ал-Кафавий, Маҳмуд бин Сулаймон (вафоти 990/1582) Катоибу Аъмил – Аҳёр мин фуқаҳои мазҳабин – Нуъмонил – Мухтор. Нашрга тайёрловчилар: Мурат Шимшен, Ҳасан Узэр, Ҳузайфа Чекер, Гунеш Ўзтурк. Мактабатул-Иршод, Истанбул – 1438/2017.

3. Ал-Мотуридий, Абу Мансур бин Муҳаммад бин Маҳмуд (вафоти 333/944). Китабул тавҳид, тадқиқ ва таҳлил этган: Бекир Топалўғли, Муҳаммад Аручи. ИСАМ нашриёти, Анқара – 2005.

4. Таъвилоту Аҳлис-Сунна. Таҳқиқ қилувчи Муҳаммад Мустафизурроҳман. Тасҳиҳ этувчи Жосим Муҳаммад ал-Жабурий. Бағдод – 1404/1983.

5. Таъвилоту Аҳлис-Сунна. Таҳқиқ қилувчи Фотима Юсуф ал-Ҳаймий. Муасса-сатур – Рисола. Байрут. 1425/2001.

6. Ақоид рисоласи ва Китабул мақолот. Қоҳира университети кутубхонаси. Қўлёзмалар бўлими. №19495.

7. Таъвилоту Аҳлис-Сунна. Нашрга тайёрловчи Фотима Юсуф ал-Ҳаймий, Муассасатур-Рисола. Байрут – 1425.

8. Китабут-Тавҳид. Таҳқиқ муаллифи Фатҳуллоҳ Хулайф ал-мактабатул Исломиийа, Истанбул – 1979. Таржимон Бекир Топаўғли, Анқара – 2002.

9. Китабут-Тавҳид. Таҳқиқ муаллифи Фатҳуллоҳ Хулайф. Ливия - 1426

10. Таъвилотул-Қуръон. Таҳқиқ муаллифи Маждий Босаллум. Байрут – 2005.

11. Пандномаи Мотуридий. Турк Жумҳурияти Маданият ва Туризм Вазирлиги. Сулаймония ёзма асарлар кутубхонаси. Фотих кутубхонаси № 5426.

12. Пандномаи Мотуридий. ТЖ Маданият ва Туризм Вазирлиги Туркия Ёзма асарлар ташкилоти бошқонлиги Бурса Инебей Ёзма асарлар кутубхонаси. Хусайн Пошо кутубхонаси № 1184.

13. Ироқий Абу Муҳаммад Усмон бин Абдуллоҳ бил ал-Ҳасан ал-Ҳанафий (вафоти 500/1106). Ал-Фироқул-Муфтариқо байна аҳлиз-зайғвал-Бидъа (Адашганлар ва динсизларнинг турли мазҳаблари. Таҳқиқ ва таржима муаллифи Яшар Қулуой. Анқара – 1962).

14. Ибн Қутлубоға, Абул адл Зайнуддин Қосим (вафоти 879/1474); Тожут-тарожим фий Табақотул Ҳанафиййа, Бағдод – 1962.

15. Котиб Чалабий, Мустафо бин Абдуллоҳ (вафоти 1067/1657), Кашфиз-Зунун ан Асомил – Кутуби вал-Фунун. Муҳаррир: Шарофиддин Ялтқоя. IZ нашриёт уйи, Истанбул – 2017.

16. Қураший Муҳйиддин Абу Муҳаммад Абдул Қодир ибн Абил Вафо Муҳаммад бин Муҳаммад бин Насруллоҳ бин Солим (вафоти 775/1373), Ал-Жаворҳит ул мудиа фий Табақотил Ҳанафийа. Ҳайдаробод – 1322/1904. Сезгин Фуад. *Geschichte des Arabischen Schrifttums* (GAS), Leiden – 1967.

17. Лакнавий Абул Ҳасанот Муҳаммад Абдулхай (вафоти 1304/1886) Ал-Фавойидул Баҳийа фий тарожимул Ҳанафийа. Муҳаррир: Сайид Муҳаммад Бадриддин Абу Форис ан-Наъсоний, Миср-1324/19

18. Насафий Абул Муин Маймун бин Муҳаммад (вафоти 508/1114). Табсиратул Адилла фий усулуд-дин. Нашрга тайёрловчи: Хусайн Атай. Анқара – 1993.

19. Ат-Тамимий, Тақиноддин бин Абдулқодир – Дорий. Ал-Ғоззий ал-Мисрий (вафоти 1010/1061).

20. Ат-таба қотус-санийа фий Таржимил Ҳанафийа. Нашрга тайёрловчи Абдулфаттоҳ Муҳаммад ал-Хулув. Дорур-Рифоий. Риёд – 1983-1989.

21. Ат-таба қотус-санийа фий Таржимил – Ҳанафийа. Нуру усмонил кутубхонаси. № 3391. 476 varaқ.

22. Зириклий Хайриддин. Ал-Аълам, Қомуси Тарожим ли Ашҳарир-рижол ван-Нисоий минал араб вал-мустағробий вал-мушташриқийн.

*Илмий-оммабон нашр*

**Абу Мансур Мотуридий**

## **ПАНДНОМА**

*Муҳаррир*

**Юсуф Музаффар**

*Мусаввир*

**Уйғун Солиҳов**

*Саҳифаловчи*

**Муҳаррам Зойитова**

Нашриёт лицензияси АИ № 303. 21. 06. 2017.  
«Zilol buloq» нашриёти МЧЖ, Тошкент ш., Қамарнисо к., 3.

Босишга рухсат этилди 20.10.2020. Бичими 60x84 1/16.  
«PT Serif» гарнитураси. 4,0 н.т. 3,75 шартли б.т.  
Адади 50 000 (1-босма 5 000) нусха. Буюртма № 337.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

«Saydana-print» МЖЧ босмахонасида босилди.  
Тошкент ш., Қамарнисо к., 3. E-mail: saydana-print@mail.ru  
Тел.: +998 91 162-08-43; +998 99 862-08-43.